



230105, Nukus shahri, I.Karimov k., 152-uy
Tel: (998-61) 226-00-48, (998-61) 226-00-58,
e-mail: info.mz.rk@ssv.uz

230105, Nökis qalasi, I.Karimov k., 152-jay
Tel: (998-61) 226-00-48, (998-61) 226-00-58,
e-mail: m.kurbanov@exat.uz info.mz.rk@ssv.uz

2023 yil "10" 11 hamda ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар
№ 168 «Инсон» ижтимоий хизматлар кўрсатиш марказлари
томонидан тасдиқланган жадвал асосида бир йилда
камида бир маротаба туман тиббиёт бирлашмаси
билан келишилган ҳолда чуқурлаштирилган тиббий
кўриқдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 октябрдаги "Аҳолининг ижтимоий ҳимоя олиш ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда давлат ижтимоий ёрдами ва хизматларини кўрсатишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 539-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси Бошқармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қўшма қарорнинг ижроси ҳақида таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 октябрдаги "Аҳолининг ижтимоий ҳимоя олиш ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда давлат ижтимоий ёрдами ва хизматларини кўрсатишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 539-сон қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан - 2023 йил 15 октябрдан бошлаб ҳудудларда "Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар руйхати"га олинган фуқароларни «Инсон» ижтимоий хизматлар кўрсатиш марказлари томонидан тасдиқланган жадвал асосида бир йилда камида бир маротаба туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси билан келишилган ҳолда чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш белгиланганлиги маълумот ва тегишлилиги бўйича ижро учун қабул қилинсин.

3. Мазкур қўшма қарори билан қуйидагилар:
"Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар"ни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш график жадвали 1 -иловага;
чуқурлаштирилган кўриқ натижасида амалга ошириладиган ишлар бўйича маълумотлар жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. «Инсон» ижтимоий хизматлар кўрсатиш марказлари:
2023 йил октябрь ойида, кейинчалик ҳар йилнинг январь ойида чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилиши белгиланган "Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар руйхати"га олинган фуқаролар бўйича режа графиги ишлаб чиқиш ва туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси билан келишилган ҳолда тасдиқлаш;

Бунда янгида руйҳатга олинган ёки руйҳатдан чиқарилган фуқаролар аниқланган тақдирда, режа графиги қайта ўзгартириб борилиши инобатга олинсин.

5. Нукус шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмалари бошлиқларига:

Ўзбекистан Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 27 июлдаги «Аҳоли орасида профилактик кўриклар, скрининг дастурлари ва патронажни амалга оширишни янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги 210- сонли буйруғи асосида ишларни ташкил қилиш;

Бунда,

худудий «Инсон» ижтимоий хизматлар кўрсатиш марказлари томонидан тасдиқланган режа графиклари бўйича тор соҳа “ Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар”ни **чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш;**

кўрик жараёнларини ўтказиш учун ўрнатилган тартибда кераки шарт-шароитлар яратиш ҳамда кўриқга жалб этилган мутахассисларнинг иштироки юзасидан қатъий назорат ўрнатиш;

уларда аниқланган касаллик хусусиятларидан келиб чиқиб, белгиланган тартибда туман (шаҳар) ва республика даражасидаги даволаш-профилактика муассасаларида стационар даволаш чораларини кўриш,

амбулатор даво тавсия этилган беморларни белгиланган тартибда бепул дори- дармон билан таъминлаш ва амбулатор назоратга олиш чораларини кўриш;

чуқурлаштирилган тиббий кўрик - тизимли чора-тадбирлар мажмуаси бўлиб, муассасаларнинг бир нечта йўналишидаги тор соҳа мутахассисларининг объектив кўриклари, лаборатор ва инструментал текширувлардан иборат бўлиши белгиланган.

6. Ушбу қўшма қарорда белгиланган вазифаларнинг белгиланган муддатларда сифатли бажарилиши, маълумотларнинг ҳаққонийлигига худудий «Инсон» ижтимоий хизматлар кўрсатиш марказлари ҳамда туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари шахсан масъуллиги белгиланганлиги;

Ушбу қўшма қарорнинг ижро назорати Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси Бошқармаси бошлиғи ўринбосари (Р.Рахимов) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг тиббий ёрдамни ташкиллаштириш бўйича биринчи ўринбосари (Қ.Камалов) зиммасига юклатилганлиги инобатга олинсин.

7. Ушбу кўрсатма хат ижроси назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Вазирнинг биринчи
ўринбосари:



Қ.Ж.Камалов